

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	Млрд. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	2710,4	105,6
Саноат маҳсулоти	2074,0	103,5
Истеъмол товарлари	353,2	108,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	255,8	106,1
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1193,9	104,1
Қурилиш ишлари	469,1	110,5
Юк айланмаси млн. тн-км	300,5	104,7
Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км	1050,0	104,6
Чакана товар айланмаси	1386,1	113,4
Хизматлар, жами	929,8	115,5
Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ долл.	198,9	88,4
Экспорт	21,5	28,4
Импорт	177,3	119,0
Сальдо (+;-)	-155,8	x


Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 2710,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2015 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 5,6 фоизга тенг бўлди.


Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд.сўм		2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 йил	2016 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	2329,1	2710,4	105,6
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2169,7	2516,4	105,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	159,4	194,0	105,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2169,7	2516,4	105,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	87,3	94,7	106,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1165,3	1338,9	102,7
саноат	1006,7	1149,4	101,5
қурилиш	158,6	189,5	110,5
Хизматлар	917,1	1082,8	105,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	178,0	222,2	107,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	204,9	232,5	103,6
бошқа хизматлари	534,2	628,1	107,1

Январь-мартда ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):
2015 й.



2016 й.



- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (107,1%), қурилиш (106,5%) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (106,0%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 42,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2015 йил январь-мартга нисбатан 0,6 фоизли бандга ошди.

2016 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 43,0 фоиз (2015 йил январь-мартда 42,3 фоиз)ни ташкил қилди.

**Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий
таърифи**
(фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 19608 тани ташкил қилиб, шундан 18253 таси ёки 93,1 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5325 та (27,2 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 2629 та (13,4 фоизи), қурилиш 2197 та (11,2 фоизи) ва саноат 2075 та (10,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	19608	100,0	18253	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2629	13,4	2437	13,4
саноат	2075	10,6	1950	10,7
қурилиш	2197	11,2	1963	10,8
савдо	5325	27,2	4885	26,8
ташиш ва сақлаш	653	3,3	600	3,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	742	3,8	693	3,8
ахборот ва алоқа	219	1,1	190	1,0
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	622	3,2	607	3,3
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	5146	26,2	4928	27,0

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 83,3 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 42,9 фоизи хусусий корхоналар, 0,2 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик жамиятлари, 39,8 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 апрель ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йил январь-мартда жами 583 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 561 та). Уларнинг асосий қисми Қарши шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (19,2 фоизи), Косон (10,3 фоиз), Қарши (8,6 фоиз), Чироқчи ва Шаҳрисабз (7,9 фоиз) ва Китоб (7,2 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 28,3 фоизи савдо, 22,1 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва 13,4 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 637 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 73 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 11,5 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2016 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати куйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 23426 тани ташкил қилди.

2016 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 42,3 фоизи (2015 йил январь-мартда 41,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2016 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 951,7 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 75,4 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 793,5 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 158,2 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 370,6 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 17,9 фоизи) ёки 2015 йилнинг январь-мартига нисбатан 16,8 фоизни ташкил қилди;

- 248,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган (қўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 6,1 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 97,0 фоизи) ташкил қилди.

- 149,0 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 12,5 фоизи) ўзлаштирилди ва 2015 йилнинг январь-мартига нисбатан 127,2 фоизга ўсди;

- 244,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 52,2 фоизи) бажарилди ва 2015 йилнинг январь-мартига нисбатан 127,0 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 108,2 фоизга (умумий юк айланмасига нисбатан 90,9 улуши), йўловчи айланмасининг эса 106,3 фоизга (умумий йўловчи айланмасига нисбатан 89,5 улуши) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 77,0 фоизи ёки 1395,0 млрд. сўми (ўсиш 19,3 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 78,3 фоизи ёки 1358,5 млрд. сўми (ўсиш 18,3 фоиз) шакллантирилди;


- 238,7 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 59,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 124,2 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 39,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2016 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши куйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	573,4	16,0
Саноат	625,5	22,9
Қурилиш	166,2	54,9
Чакана савдо	983,6	70,5
Юк ташиш, млн тн.	13,7	74,8
Йўловчи ташиш, млн.киши	237,2	93,9
Экспорт, млн. АҚШ долл.	238,7	1,0
Импорт, млн. АҚШ долл.	124,2	28,6

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши куйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ташқи иқтисодий алоқалар


2016 йилнинг январь-мартида ташқи савдо айланмаси 198,9 млн. АҚШ долларини, жумладан 21,5 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 177,3 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси -155,8млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2016 йилнинг январь-мартида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

(млн АҚШ доллари)

	январь-март		2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 й.	2016 й.	
Ташқи савдо айланмаси	225,0	198,9	88,4
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	71,5	42,8	59,9
бошқа давлатлар	153,5	156,1	101,7
Экспорт	75,9	21,6	28,4
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	13,7	14,7	107,3
бошқа давлатлар	62,2	6,9	11,0
Импорт	149,1	177,3	119,0
шу жумладан:			
МДҲ давлатлари	57,8	28,1	48,6
бошқа давлатлар	91,3	149,2	163,5

2016 йил январь-мартда вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:




2016 йилнинг январь-мартида вилоят экспорт-импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2015 йил январь-март	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100,0	100,0	28,4
пахта толаси	55	0	0
озиқ-овқат маҳсулотлари	2	10	161,9
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	26,0	37	39,9
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	3,0	6	48,5
қора ва рангли металллар	0	0	0
машина ва ускуналар	0	0	0
хизматлар	11	37	102,4
бошқалар	3	10	76,0

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2015 йил январь-март	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Импорт таркиби	100,0	100,0	119,0
озик-овқат маҳсулотлари	1	0	45
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	6	4	93,6
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	0	0	0
қора ва рангли металллар	2	4	226,5
машина ва ускуналар	87	85	117,6
хизматлар	1	0	101,4
бошқалар	3	3	112,2

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





2016 йилнинг январь-мартида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:



	Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2015 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	31,1	121
Хитой	3,5	16
Туркия	0,1	
Эрон	0,1	37
Бангладеш	0,1	81
Қозоғистон	13,9	122
Афғонистон	9,3	50
Бразилия	3,1	8
Грузия	3,4	7 м
Германия	0,1	2 м
Ж.Корея	5,3	1 м
Украина	0,2	21
Латвия	0,6	231
Италия	0,3	0
Сингапур	3,5	7
Буюк Британия		
Белоруссия	0,4	274
Литвия		
Швеция		

2016 йил январь-мартда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт



Импорт



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

2016 йил январь-мартда саноат маҳсулотлари ҳажми 2074,0 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,5 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 353,2 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2015 йил январь-мартга нисбатан 108,1 фоизни ташкил этди. Жумладан, 221,0 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво, 132,2 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2015 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 109,9 фоиз ва 105,2 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2016 йилнинг январь-март ойларида 21,4 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.


2016 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	2074,0	103,5
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	918,8	99,7
улардан:		
Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	881,7	100,1
Қайта ишлаш саноати	989,4	108,6
ундан:		
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	260,7	111,9
Напитка ишлаб чиқариш	6,0	126,1
Туқимачилик буюмлари	241,4	110,3
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	324,0	99,6
Мебел ишлаб чиқариш	9,6	104,2

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	33,6	146,9
Металлургия саноати	1,0	101,0
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	8,7	126,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	160,3	97,7
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	160,3	97,7
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	353,2	108,1
шу жумладан:		
озик-овқат товарлари	221,0	109,9
ноозик-овқат товарлари	132,2	105,2

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш
(йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2016 йил январь-март	2015 й январь-мартга нисбатан %
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш			
Табий газ	млн.м3	10060.3	96.3
нефть	минг.тн	156.4	85.2
олтингугурт	минг.тн	55.6	82.7
Конденсат	минг.тн	386,8	100,4
Суюлтирилган газ	минг.тн	135.0	103.0
Ишлаб чиқарадиган саноат			
Ўн	тн	30813.6	102.0

	Ўлчов бирлиги	2016 йил январь-март	2015 й январь-мартга нисбатан %
Нон маҳсулотлари	тн.	782	121,8
Усимлик мойи	тн.	9696,5	154,0
Омухта ем	тн.	17909,0	77,0
Тозаланган усимлик мойи	тн.	8615,3	156,0
Макарон маҳсулотлари	тн.	485,7	101,6
Ёрма	тн.	141,0	2,4мартга
Арок ва ликёр маҳсулотлари	минг.л	412,0	124,1
Вино маҳсулотлари	минг.л	120,0	80,0
Кийим кечак	минг дона	29,0	116,0
Полотно	тн.	86,0	111,7
Калава ип	тн	1528,0	118,1
Трикотож буюмлари	минг дона	298,0	103,1
Ип газмол	минг. кв.м	221,0	127,0
Линт	тн	4412,0	103,5
Пахта толаси	тн	53661,0	104,6
Пахта чигити	тн	78435,0	104,6
Шрот ва шелуха	тн	39703,0	147,1
Хужалик совуни	тн	117,0	50,9
Калий уғити	минг тн	26,5	92,3
Энергия тежовчи лампочка	минг дона	35,0	73,2
Алюмин композитли қопламалар	тн	40,8	24,5

	Ўлчов бирлиги	2016 йил январь-март	2015 й январь-мартга нисбатан %
Термопласт кувурлари	тн	972,0	86,7
Кислород	тн	4,5	102,7
Полиэтилен	тн	35202,0	98,7

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш


Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	1188,7	102,5
---------------------------------------	------------	--------	-------

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2016 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 255,8 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 106,1 фоизни, шу жумладан, Деҳқончилик ва чорвачиликда, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 253,8 млрд (106,1 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 1,1 млрд. сўмни (105,3 фоиз), Балиқчилик хўжаликларида 0,9 млрд. сўмни (108,7 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ҳосил йиғими. 2016 йил январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 2866 тонна сабзавот (106,8 фоизга кўп), 70 тонна мева (125,0 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 107,6 фоизга (жами 1410,0 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 102,2 фоизга (468,1 минг бош), қўй ва эчкилар 103,7 фоизга (4300,2 минг бош), отлар 104,6 фоизга (28518 бош), паррандалар 107,2 фоизга (4464,4 минг бошни) ташкил этди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 95,0 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,1 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 64,2 фоизни ташкил этди.

2016 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича:

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли корамол	1410,0	107,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	56,1	103,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1337,8	107,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	16,1	107,4
улардан сигирлар	468,1	102,2
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	18,1	103,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	444,7	102,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,3	107,0
Куй ва эчкилар	4300,2	103,7
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	141,8	105,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3797,7	104,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	360,7	100,1
Отлар	28,5	104,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1,9	104,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	25,7	104,4

	минг бош	ўсиш суръати, %
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,9	108,0
Паррандалар	4464,4	107,2
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	228,6	107,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3309,5	106,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	926,3	110,0

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,9 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,0 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,0 ва 3,9 фоизни, қўй ва эчкилар 88,3 ва 3,3 фоизни, отлар 90,1 ва 6,7 фоизни, паррандалар 74,1 ва 5,1 фоизни ташкил этди.

2016 йилнинг январь-мартда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 37,9 минг тонна гўшт (2015 йилнинг январь-мартга нисбатан 6,5 фоизга кўп), 121,1 минг тонна сут (6,0 фоизга кўп), 74,8 минг. дона тухум ишлаб чиқарилди.


2016 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:

	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	37,9	106,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	0,8	103,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	36,0	106,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,1	103,9

	миқдори	ўсиш суръати, %
Сут, минг тн.	121,1	106,0
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	4,3	105,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	115,3	106,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,5	105,6
Тухум, млн. дона	74,8	108,0
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	2,6	106,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	48,0	107,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	24,2	108,4

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби куйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Фермер хўжаликлари. 2016 йилнинг январь-мартида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 8,7 млрд. сўмни ёки 2015 йилнинг тегишли даврига нисбатан 103,6 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 3,4 фоизни ташкил этди.

2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 56,1 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 18,1 минг бош сигир, 141,8 минг бош қўй ва эчкилар, 1898 бош от, 228,6 минг бош паррандалар мавжуд.

2016 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	январь-март				2015 январь- мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 йил		2016 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	22	0,8	23	0,8	104,5
Гўшт, тирик вазнда	759	2,1	786	2,1	103,6
Сут	4102	3,6	4333	3,6	105,6
Тухум, минг дона	2402	3,5	2567	3,4	106,9

Инвестициялар ва қурилиш

2016 йил январь-мартда вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 1193,9 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,1 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши куйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1193,9	104,1	100
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	245,0		20,5
бюджет маблағлари	21,4		1,8
давлат мақсадли фонд маблағлари	99,6		8,3
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	1,5		0,1
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	122,5		10,3
Марказлашмаган инвестициялар	948,9		79,5
корхоналарнинг ўз маблағлари	702,4		58,8
аҳоли маблағлари	111,4		9,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	125,2		10,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	9,9		0,8

2016 йил январь-мартда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	1193,9	144,9	1049,0
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	40,9	48,5	39,9
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	18,5	16,2	22,5
Бошқа ҳаражатлар	40,6	35,3	37,6

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2015 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 1,4 фоизли пунктга кўпайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 0,6 фоизли пунктга камайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 1,7 фоизли пунктга кўпайган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2016 йил январь-мартда умумий майдони 195,3 минг кв.м. бўлган 1196 та (2015 йил январь-мартга нисбатан 105,4 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 106,9 минг кв.м. (241,3 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоотлари қурилишида 9,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 8,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. 2016 йил январь-мартда 469,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 110,5 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 54,3 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 21,9 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 23,8 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 73,0 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 438,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 93,4 фоизни (2015 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 127,4 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт

Юк ташиш. 2016 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 7,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,1 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 300,5 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 104,7 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	7,3	102,1
шу жумладан:		
автомобил транспортида	7,3	102,1
Юк айланмаси, млн. тн-км	300,5	104,7
шу жумладан:		
автомобил транспортида	300,5	104,7

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2015 йил январь-мартга нисбатан 107,8 фоизга кўпайди ва 255,0 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 94,9 фоизни ташкил этди (2015 йил январь-мартда 95,5 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2016 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 91,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,3 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 104,6 фоизга кўпайиб, 1050,0 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-март	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	91,3	100,3
шу жумладан, автомобил транспортида	91,3	100,3
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	1050,0	104,6
шу жумладан, автомобил транспортида	1050,0	104,6

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2015 йил январь-мартга нисбатан 106,1 фоизга кўпайди ва 8883,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 94,5 фоизни ташкил этди (2015 йил январь-мартда 94,8 фоиз).

Товарлар ва хизматлар бозори

2016 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 1811,0 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,8 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	1811,0	112,8	100,0
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	3,5	90,6	0,2
нодавлат мулки	1807,5	113,1	99,8
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	121,0	112,6	6,7

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2016 йил январь-мартда 711,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,7 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 893,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124,2 фоизга ошган.

2016 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	1811,0	112,8	100,0
шу жумладан:			
савдо корхоналари	711,6	103,7	39,3
Якка тартибдаги тадбиркорлик	893,5	124,2	49,3

	млрд. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
уюлмаган сектор(ташқил этилмаган савдофаолияти)	205,9	102,9	11,4

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 46,6 млрд. сўмга етди ёки 2015 йил январь-мартга нисбатан 100,9 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 11,4 фозга ошди ва 652,3 минг сўмни ташқил этди (2015 йил январ март ойиларида 530,9 минг сўмни ташқил этган).

2016 йил январь-мартда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 929,8 млрд. сўмни ташқил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 212,5 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 22,9 фоизини ташқил қилди. 2015 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 115,5 фоизни ташқил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2016 йилнинг январь-мартида қуйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	929,8	115,5	100,0
Шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	74,9	115,5	8,1
молиявий хизматлар	95,6	141,3	10,3
транспорт хизмати	185,6	112,7	20,0
шу жумладан автотранспорт хизматлари	179,4	112,5	19,3
яшаш ва овқатланиш хизматлари	19,1	113,1	2,1

	млрд. сўм	2015 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
савдо хизматлари	322,6	115,7	34,6
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	32,3	111,5	3,5
таълим соҳасидаги хизматлар	27,9	97,9	3,0
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	8,8	105,8	0,9
ижара ва прокат хизматлари	27,0	115,7	2,9
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	45,6	113,0	4,9
бошқа шахсий хизматлар	40,8	111,9	4,4
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	1,8	153,5	0,2
бошқа турдаги хизматлар	47,8	101,9	5,1

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо ва оватланиш (жами хизматларнинг 34,7 фоизи), транспорт (20,0 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (153,5 фоиз), молиявий хизматлар (141,3 фоиз), ва савдо хизматларида (115,7 фоиз) ўсиш суръати юкори бўлди.

2016 йил январь-мартида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:



Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3037,5 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 11826 кишига ёки 0,4 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2016 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2015 й.	2016 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш (-)	2015 й.	2016 й. ¹⁾
Туғилганлар	16982	14855	2127	23,2	19,7
Ўлганлар	3202	2668	534	4,4	3,5
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	162	145	17	5,0	4,5
Табиий ўсиш	13780	12603	1177	18,8	18,8
Никоҳлар	5673	4366	1307	7,8	5,8
Ажралишлар	437	463	-26	0,6	0,6

Туғилиш даражаси. 2016 йилнинг январь-мартда туғилганлар сони 14855 кишини ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (16982 киши) нисбатан 2127 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 19,7 промиллени ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (23,2 промилле) нисбатан 3,5 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Деҳқонобод туманида (27,6 дан 21,8 промиллега), Қамаш (24,8 дан 21,9 промиллега), Китоб (25,2 дан 20,0 промиллега), Касби (21,2 дан 18,7 промиллега), Чироқчи (33,8 дан 20,8 промиллега), Яккабоғ (24,9 дан 21,6 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2016 йилнинг январь-мартда ўлганлар сони 2668 кишини ташкил қилди ва 2015 йилнинг шу даврига (3202 киши) нисбатан 534 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 3,5 промиллени ташкил қилди. (2015 йил январь-мартда – 4,4 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Қарши шаҳрида (5,0 дан 4,8 промиллега), Ғузор (5,0 дан 4,0 промиллега), Деҳқонобод (3,9 дан 3,0 промиллега), Қарши туманида (4,6 дан 3,6 промиллега), Чироқчи (4,2 дан 2,9 промиллега),

¹⁾ дастлабки маълумот

Шаҳрисабз (4,9 дан 3,4 промиллега), Яккабоғ (4,5 дан 3,0 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 73,3 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 7,6 фоизи - ўсма касалликларидан, 8,1 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,5 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 6,5 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-мартида бир ёшга тўлмаган 145 та болалар ўлими кузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 53,7 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 26,2 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 1,4 фоизи – туғма аномалиялардан вафот этган.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2016 йилнинг январь-мартида ФХДЁ органларида 4366 та никоҳлар ва 463 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,8 та никоҳ (2015 йилнинг тегишли даврида – 7,8 та) ва 0,6 та ажралишлар (2015 йилнинг тегишли даврида – 0,6 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2814 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 3174 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 287 кишига (2015 йилнинг шу даврида - минус 147 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиғлар Дехқонобод (минус 42), Чирокчи (минус 63), Шаҳрисабз (минус 77) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2016 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йил январь-мартга нисбатан 101,9 фоизни, 1745,8 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,5 фоизини ташкил қилди.


2016 йил январь-мартда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 4613 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Қарши шаҳрида (520 кишига), Қамаш (415 кишига) Қарши (385 кишига) Косон (314 кишига), Китоб (489 кишига), Чироқчи (333 кишига) Шахрисабз (327 кишига) ва Яккабоғ (382 кишига), туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 4252 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Қарши шаҳрида (472 киши) , Қамаш (412 киши), Қарши (355 киши), Китоб (467 киши), Чироқчи (316 киши) Шахрисабз (297 киши) ва Яккабоғ (372 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 221 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)



■ 2015 йил январь-март
 ■ 2016 йил январь-март